Ҳақсевар, она юрт, манғу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 17 ноябрь ШАНБА

№ 92 (12.520)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Пискент Паркент Ангрен Янгийўл Бўстонлиқ Бекобод Чирчиқ Зангиота Чиноз Тошкент Оққўрғон

## ПИСКЕНТ ТУМАНИ

### БАРЧАГА БИРДЕК

**Туман марказий поликлиникасида халқаро қандли диабетга қарши кураш кунига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Унда туман Қизил Ярим ой, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармалари вакиллари иштирок этиб, беморлар ҳолидан хабар олишди ва эсдалик совғалари топширишди.

– Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад инсонлар ўз соғликларига эътиборли бўлишлари кераклигини уқтириш, кўнгилларини олиш, аҳолига тиббий кўрикнинг афзалликлари ҳақида тушунча беришдан иборат, – дейди туман марказий поликлиникаси диабет-шифокори Шаҳло Озодова.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## БЕКОБОД ШАҲРИ

### ЯНГИ МАРКАЗ ҚУРИЛМОҚДА

**Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, аҳолига кенг тиббий қулайликлар яратиляпти.**

Шифокорлар шаҳарчасидаги болаларни даволаш муассасасининг реконструкцияси якунига етмоқда. Шунингдек, "Металлург" шаҳар шифохонасида томография текширувлари маркази жадал қуриляпти. Бу ишлар "Ўзметкомбинат" ОАЖ ҳомийлигида амалга оширилмоқда.

**Шаҳло ФАЗЛИЕВА.**

## ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

### БОЛАЛАР – БОЛАЛАРГА

**Ҳамза номидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабида Фонд Форум ва Успенский номидаги республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида "Болалар – болаларга" хайрия концерти ўтказилди.**

2005 йилдан буён анъанавий давом этаётган ушбу тадбир болаларнинг мусиқага қизиқиши ва интилишини кучайтириш ҳамда муолажага муҳтож бемор болаларга моддий ёрдам бериш мақсадида уюштирилмоқда. Хайрия концертида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, "Келажак овози" ва "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ғолибларининг ижод намуналари намойиш этилди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

### ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР

**Чирчиқда янги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун янги техника воситалари ишлаб чиқара бошлади.**

"LEMKEN Чирчиқ" қўшма корхонаси фермер хўжаликлари, машина-трактор паркларига замонавий ва сифатли осма-ағдарма плуг, кесак майдалагич, тупроқ зичлагич, ротацион бороналар етказиб бермоқда.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

## ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ – МУҲОФАЗАДА

**Эртани ўйлаб иш тутиш – халқимизга хос хислат. Республика Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, шунингдек, "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорлари ҳам айнан эртанги кун эгалари – ёш авлод баркамоллиги, соғломлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бу қарорлар ижроси доирасида изчил ва тизимли ишларни амалга оширмоқда. Аввало, оналар, туғиш ёшидаги аёллар соғлиғи қатъий назоратга олинган. Бу йил 950 мингдан зиёд аёл чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 100 минг 543 нафарида экстрагенитал касалликлар аниқланиб, 37 фоизи соғломлаштирилди. 63 фоизи соғломлаштириш жараёнида. Шунингдек, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида анъанавий соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЙИЛ АЁЛИ – 2012

## ИҚТИДОРЛИ, ОҚИЛА, ЗУККО

**"Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, оналик фазилати, бекалик маҳорати, жамоатчи-ташкилотчилик қобилиятларини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва ўзига бўлган ишончини орттириш мақсадида уюштираётган "Йил аёли" танлови бу йил 6-марта ўтказилмоқда.**



Шу йиллар давомида вилоятимиздан беш аёл танловнинг республика босқичида иштирок этди. Улардан чирчиқлик шифокор Саида Мирзараҳимова "Йил аёли – 2010" танлови республика босқичи ғолиби бўлди.

Вилоятимизнинг энг иқтидорли, энг оқила, зукко аёллари куни кеча танловнинг вилоят босқичида маҳоратларини намойиш этишди. Янгийўллик тадбиркор аёл Мавжуда Бобоқулова ўз иқтидори, ташаббускорлик, ташкилотчилик салоҳияти билан ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

– Оилада меҳрибон ва ғамхўр она, ўқитувчи, "Bahor Style" корхонаси директори М. Бобоқулова танловнинг якуний босқичида ҳам вилоятимиз аёллари шаънини муносиб ҳимоя қила олишига ишонамиз, – деди тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



## УЧРАШУВ САМАРАЛИ ЎТДИ

**Вилоят ҳокимлигида Корея Республикаси Кёнсан-Нукто провинцияси ва Кёнджу шаҳри делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.**

Корея ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида икки томонлама дўстона алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари теварагида фикрлашиб олинди. Вилоятимизда Корея сармоядорлари билан ҳамкорликда 43 та корхона фаолият юритаётгани алоҳида таъкидланди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева меҳмонларни вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлик даражаси, инвестицион муҳит, шаҳар ва туманлардаги 10 та корейс миллий-маданий марказларининг фаолияти билан таништирди.

Икки мамлакат вакиллари бу учрашув давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатишига алоҳида урғу беришди.





**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

**1992 йилги Конституция дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – мустақил Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмоқда. Чунки, республика Президенти айтганидек, "Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди".**

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИГА АСОСЛАНГАН ҚОМУС

Манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Конституция Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг турли мамлакатлари тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олган. У Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳи, ижтимоий онги ҳамда маданиятини акс эттиради. Энг аввало, унинг умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқ устуворлигига содиқлигини таъкидлаш жоиз. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясидаги барча асосий қоидалар мужассамлаштирилган: ҳаёт, шахс ва инсон эркинлиги дахлсиздир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Конституцияси кўп асрлик юридик тарихи ва жаҳон конституциявий тажрибасини ўзида акс эттирган. Агар янги Конституция жаҳон конституциявий ривожланиши билан боғлаб кўриб чиқиладиган бўлса, уни XX асрнинг охирги ўн йиллигида дунёда қабул қилинган "учинчи авлод конституциялари" сирасига киритиш ва тўла ишонч билан у жаҳондаги энг демократик конституциялардан биридир, дейиш мумкин.

Асосий Қомусимиз муқаддимадан бошланиб, унинг моҳияти қуйидагича: Конституцияни халқ қабул қилади, халқ мамлакатнинг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиб, унда ўз иродасини ифода этади. Биринчи бўлим – конституциявий тузум асосий принципларининг мажмуаси, иккинчи бўлим эса шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг яхлит ва кенг қамровли тизимидан иборат.

Конституциянинг учинчи бўлими ўзига хос ҳисобланади, бошқа мамлакатларнинг бирортасида бундай ҳолат учрамаслиги эҳтимоли бор. Бу бўлимнинг асосий мақсади – фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Конституциянинг тўртинчи бўлими давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишга бағишланган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида алоҳида боб кўзда тутилгандир. Конституциянинг бешинчи бўлимида ҳокимият ваколатлари бўлиниши тамойили асосида давлат ҳокимияти органларининг янги тизими мустаҳкамлаб қўйилган, олий ва маҳаллий органларнинг тузилиши мукаммал очиб берилган. Олтинчи бўлимда эса Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Глобаллашув ва жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий иқтисодиёт самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришда замонавий илм-фаннинг илғор технологиялари ҳамда инновация ютуқларидан фойдаланишга боғлиқдир. Бу мамлакатимиз реал иқтисодиётининг қишлоқ хўжалик ва пахтачилик комплекси каби муҳим тармоғига ҳам тааллуқлидир.**

Бу йилги мавсумда 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили йиғиб олинди, унинг 90 фоизи юқори навларга топширилди. Президентимиз Ислом Каримов жорий йил 19 октябрда Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табригида ушбу мавсумда ғўза парваришида замонавий илм-фан ютуқлари, илғор агротехнологиялар кенг жорий этилгани, энг муҳими, дефолиациянинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани эришилган ютуқни таъминлашда алоҳида ўрин тутганини таъкидлади. Шу билан бирга, келгуси йилги мўл ҳосил ҳақида гапирар эканмиз, ҳозирдан ғўза униб чиқишини жадал ривожлантириш учун деҳқонларни сифатли уруғлик билан таъминлаш ва барча шарт-шароитларни яратиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик Сайёра РАШИДОВА мамлакатимиз олимлари ушбу масъулиятли вазифани нанотехнологиялар ёрдамида қандай ҳал этаётгани тўғрисида сўзлаб берди.

– Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон илм-фани тадқиқот ва инновацион фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда. Зеро, бу турли соҳаларда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, уни техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2008 йил 15 июлда имзоланган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ана шу мақсадларга йўналтирилган.

Мураккаб кимёвий бирикмалар – полимерларни ҳар томонлама ўрганиш билан шуғулланаётган институтимиз бу борадаги вазифаларга мувофиқ улар асосида хусусиятлари олдиндан белгиланган мутлақо янги моддалар ва материалларни яратиш, замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш устида ишламоқда. Тадқиқотлар мавзуси Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг реал эҳтиёжлари, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ресурс тежаш ва импорт ўрнини босиш сиёсати ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилмоқда.

Полимерлар асосида ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситаларини синтез қилиш энг муҳим ва истиқболли йўналишлардан биридир. Институтда уруғларни экишдан аввал капсулалаш услуби ёрдамида тайёрлаш бўйича яратилган ноёб технология ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар натижаси ҳисобланади. Бу технология кўплаб кўрсаткичлар бўйича хориж технологияларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, маҳаллий хом ашё – табиий шойи ишлаб чиқариш ва пахтани тозалаш саноати чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган, нафақат иқтисодий жиҳатдан самарали, балки экологик хавфсиз бўлган ушбу технология импорт ўрнини босади ҳамда катта экспорт салоҳиятига эгадир. Бундан ташқари, бошқа давлатлардаги ҳамкасбларимиз полимер моддасидан фақат уруғлар учун қобиқ сифатида фойдаланмоқда. Биз эса ушбу масалага янада чуқурроқ ёндашдик ва бунинг натижасида ҳосил бўлган бундай полимер капсула уруғларни ноқулай об-ҳаво шароитларидан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни озиқлантириб, биологик фаоллигини оширади.

Табиий полимер сифатида хитин, уни олиш учун хом ашё сифатида эса пилла қайта ишланганидан сўнг қоладиган ипак қурти ғумбаги танланди. Институтимиз лабораториясида хитиндан хитозан ажратиб олинди ва унинг асосида чигитни дорилаб, уни экиш сифатини яхшилайдиган, тупроқ инфекциясига қарши самарали, атроф-муҳит учун хавфсиз, маълум бир вақтдан сўнг ўз-ўзидан йўқоладиган, яъни ўсимликлар учун экологик тоза қўшимча озуқа бўлиб хизмат қилувчи таркибий элементларга парчаланадиган "ЎзХИТАН" препарати яратилди. Институт ҳузурида ташкил этилган махсус тажриба цехида қолган чиқиндилардан хитозиндан ташқари қиматбаҳо ғумбак ёғи, шунингдек, чорва моллари учун ажойиб озуқа қўшимчаси ҳисобланган соф оқсил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат кимё комиссияси чигитни капсулалаш технологияси ва "ЎзХИТАН" препаратини қўллашга рухсат берди. Патент ва "Уруғлар капсулаланган" деган товар белгиси олинди, препаратни пахтани тозалаш заводларида қўллашнинг техник қоидалари ишлаб чиқилди.

**– Янги технологияни амалда қўллаш қандай натижалар бермоқда?**

– Вақт шуни кўрсатдики, уруғларни экишдан олдин тайёрлаш бўйича ушбу технологиядан фойдаланиш ҳисобидан чигитни қайта экиш, ғўзани яганалаш, турли касалликлардан даволашга ҳожат қолмайди. Бунинг натижасида ғўза бир ҳафта олдин униб чиқади, ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 5 центнерга ошади, пахта толасининг сифати яхшиланади. Бундан ташқари, янги технология ёрдамида аниқ экиш туфайли уруғлик сарфи 30 фоизга камаяди. Умуман олганда, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари оддий экишга қараганда қарийб 1,7 баробарга камаяди. "ЎзХИТАН" препаратини қўллаш экиш пайтида агротехник тадбирлар самарадорлигини ошириб, фермер хўжалигига ҳар гектар ер ҳисобидан 170 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаш имконини беради.

Шунинг учун мамлакатимизда капсулаланган чигит экилаётган майдонлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Мисол учун, 2010 йилда қарийб 2 минг гектар, 2011 йилда 4 минг гектардан зиёд, жорий йилда эса 13,3 минг гектардан ортиқ майдонга шундай чигит қадалди. Бу борада дастлаб мамлакатимизнинг бешта ҳудудида ер ажратилган бўлса, ҳозир капсулаланган уруғликдан Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидаги 492 фермер хўжалиги фойдаланмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида бундай чигит майдонларга тўлиқ экилмоқда.

Бухоро вилояти Жондор туманидаги "Нодиржон Мухлисахон Асолатхон" фермер хўжалиги бу йил 28,6 гектар майдонда капсулаланган чигит экиб, 47,8 центнердан ҳосил олди. Бу режадаги кўрсаткичдан 10 фоиз кўпдир. Шундай уруғликдан фойдаланган Олот тумани хўжаликларида ҳосилдорлик режадагидан кўра қарийб 14 фоизга ошди. Шуниси эътиборлики, пахта мавсуми якунларига кўра, Амударё тумани пахтакорлари ҳар доимгидек ўз олдиларига қўйган режани биринчилардан бўлиб бажарди. Бу ерда капсулаланган чигит 2007 йилдан буён экилмоқда. Ғўзанинг бир текис униб чиқиши ва эрта пишиши ҳосилни ёғингарчилик кунларига қолдирмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олиш имконини бермоқда ҳамда толанинг юқори сифатини кафолатламоқда. Институтимиз олимлари фермерларга янги технологияни бевосита қишлоқ хўжалик ишлари жараёнида ва улар учун ташкил этилаётган семинарлар давомида ўзлаштиришга ёрдам бераётир. Тажрибали агрономлар иштирокида улар учун капсулаланган чигит асосида ғўзани етиштириш агротехникаси бўйича батафсил йўриқномалар ишлаб чиқдик.

(Давоми 2-бетда).

**ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН**

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ – МУҲОФАЗАДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, соғлом бола туғилиши аввало, ота-она саломатлигига боғлиқ. Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳдан ўтувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан 29 минг 744 никоҳланувчи ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 229 нафарига соғломлаштириш учун йўлланма берилди. Умуман, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши бўйича никоҳга кираётганлар ва ёш оилалар орасида жами 5894 та маънавий, маърифий тадбирлар уюштирилди.

Келгусида бу тадбирлар ўз самарасини беришига ишонч бор, албатта. Аммо ҳозирги кунда янги туғилган чақалоқлардан бошлаб, то 14 ёшгача бўлган болаларнинг 635 минг 431 нафари тиббий кўрикдан ўтказилганда, 211 минг 569 нафарига турли соғломлаштириш муолажалари зарурлиги аниқланди. 6 ёшли болаларнинг 99,1 фоизи текширилганда 52,7 фоизининг даволаниши кераклиги маълум бўлди. Шу кунгача уларнинг аксарияти соғломлаштирилди.

Болалар саломатлигига нафақат тиббиёт ходимлари, балки, биринчи навбатда ота-она, қолаверса, боғча тарбиячилари ва мактаб ўқитувчилари ҳам масъулдир. Акс ҳолда барча саъй-ҳаракатлар бесамар кетиши аниқ. Соғлиқни сақлаш бошқармаси, хусусан, тиббиёт ходимлари оналар ва болалар соғлиги муҳофазаси учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Яқинда Корея ҳукуматининг "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Бекобод туманларида "Соғлом оила, она ва бола соғлиғини ҳимоя қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш" йўналиши бўйича, амбулатория ҳамда шифохонадаги педиатрлар ва болалар ҳамширалари учун "Болаларда учрайдиган касалликларни даволашни интеграллашган усулда олиб бориш" мавзусида семинарлар ўтказилди. Маҳалла фаоллари, туғиш ёшидаги аёллар ва уларнинг турмуш ўртоқлари учун репродуктив саломатлик бўйича ўқув-семинарлар, малакали шифокорлар иштирокида давра суҳбатлари уюштирилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктларини реконструкция қилиш, янгидан қуриш, капитал таъмирлаш кенг кўламда олиб борилмоқда. Улардан Бўка, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Оҳангарон, Янгийўл, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Зангиота туманларидаги объектлар қурилиши, реконструкция ишлари тугатилиб, фойдаланишга топшириш арафасида. Чирчиқ шаҳрида қурилган вилоят Перинатал маркази фойдаланишга топширилди. Тиббиёт муассасалари "Саломатлик – 1", "Саломатлик – 2", "Саломатлик – 3" лойиҳалари асосида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Оналар ва болалар соғлиги, репродуктив саломатлик борасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб бораётган амалий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари талайгина. Оила мустаҳкамлигини таъминловчи энг муҳим омиллар – соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саратоннинг олдини олиш, кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари ҳақида кенг тушунча бериш оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек барча жамоат ташкилотларида олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда вилоятда оналар ва гўдаклар ўлими камайгани, вояга етмаганлар, 15-16 ёшли қизлар орасида туғуруқлар, эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг камайиб бораётгани саъй-ҳаракатларимиз самараси, албатта. Аммо, бу хотиржамликка изн бермайди. Биз бундай нохуш ҳолатларнинг умуман бартараф этилиши учун астойдил ҳаракат қилишимиз зарур.

**Юлдуз ЭШОНОВА,**
**вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

**8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИГА АСОСЛАНГАН ҚОМУС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий Қонун ва унинг асосида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ сайловлардан сўнг шакллантирилган ҳукуматнинг тутадиган йўли ва дастурига ўз муносабатини белгилаб оладиган сиёсий партиялар фракциялари, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифатнинг ҳуқуқий мақомини шунингдек, Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий тамойили жорий этилди. Вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимларига номзодлар бўйича тегишли Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашиш тартиби белгилаб берилди.

Ушбу конституциявий қонунда сиёсий партияларнинг қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, Халқ депутатларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига эса тегишлича вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқи берилди.

Мамлакатимизда бош Қомусимизни ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши муҳим дастуриламал бўлмоқда. Халқимиз эрки ва иродасининг ифодаси тарзида вужудга келган бош Қомусимизнинг мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қонуний негизи ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолати сифатидаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган барча ишларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро ҳуқуқ конституциявий қурилишнинг муҳим манбаи сифатида белгиланган. Бу давлатимизнинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, демократия идеаллари, фуқаролик жамиятини, миллатлараро тинчликни таъминлашга содиқлигини билдиради.

Ўзбекистон халқи евро-америкача маданиятда учрамайдиган ўз ҳуқуқларини жамоавий ҳимоя қилиш тамойилига эгадир. Бу – маҳалла. Зарур бўлганда у моддий ёрдам кўрсатади ёки миллий-маданий, маиший урф-одатларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади. Маҳалла халқ орасида обрўга эга оқсоқоллар орқали оила, аёллар, қариялар ва болалар ҳуқуқлари бузилмаслигини кузатиб боради. Бу фуқароларга низолар келиб чиққанда ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш, халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш борасида ўтган 21 йил мобайнида барча соҳаларда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямиз нормалари ва принциплари билан бевосита боғлиқ. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Албатта, бирон бир босқич якунланиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янгидан-янги босқич ва вазифаларни олдимизга қўяверади".

Йигирма йил ичида мустақил давлатимиз Конституцияси зўр сиёсий, тарихий ва ҳуқуқий, халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳужжатга айланди. Бизнинг йигирма ёшга тўлган Конституциямиз намунавий қонун сифатида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун биринчи манба ҳисобланмоқда. Чунки бизнинг Конституциямиз жуда кўп ривожланган мамлакатлар конституциявий қурилиши ҳужжатларини ўрганиш натижасида яратилган. Ҳозир кўп мамлакатлар мустақил Ўзбекистон Конституциясига ҳавас билан боқмоқдалар.

**Мирбаҳодир БАДАЛОВ,**
**юридик фанлар доктори, профессор.**
**Мирислом БАДАЛОВ,**
**тадқиқотчи.**

# ЕТТИ ТАМОЙИЛ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг темир йўл минтақавий ташкилоти фаолиятига 55 йил тўлиши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.**

Жамият ходимлари ва кўнгиллилари Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракатининг етти тамойили – инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, ягоналик ва умумийликка амал қилган ҳолда республикамиз ҳукумати билан ҳамкорликда аҳоли энг ночор қатламига зарур ёрдам кўрсатиш, улар ҳаёти ва қадриятларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажармоқдалар.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 1957 йили таъсис этилган Темир йўл минтақавий ташкилотининг 11 та минтақавий бўлинма ва 187 та бошланғич ташкилотига бирлашган 71 минг 446 аъзоси 2012 йил давомида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК билан ҳамкорликдаги дастурларга кирган 13 та лойиҳа асосида ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Юлдуз ХЎЖАЕВА.**

**2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

# ЖУРНАЛИСТ САЛОҲИЯТИ – ЭНГ ЗАРУР ЖИҲАТ

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда "Оила институтини мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини ёритишда ОАВнинг роли" мавзуида семинар-тренинг ташкил этди.**

"Ўзбекистон ОАВларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суриш бўйича салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида ўтказилаётган семинардан мақсад журналистларнинг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросида фуқаролик институтлари иштироки, жамиятнинг асосий бўғини – оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тамойилларини ёритишдаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, кенгайтиришдан иборат.

Семинарда БМТнинг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси мутахассисларининг оиланинг бола тарбияси – айниқса 3 ёшгача бўлган болаларнинг ривожланишидаги беқиёс ўрнига бағишланган маърузалари тингланди. Шунингдек, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, бола ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ, уларни ўрганиш ҳақида материаллар тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида кенг фикрлашув-мунозара бўлиб ўтди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?**

# МАБЛАҒ ОҚИЛОНА ТАСАРРУФ ЭТИЛСА

***ишлаб чиқариш объектлари ва аҳоли кўп қаватли уйларини куз-қиш мавсумига тайёрлашда муаммолар бўлмайди***

Вилоят шаҳар ва туманларида ижтимоий-иқтисодий объектлар ва кўп қаватли тураржойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари якунига етказилмоқда. Қолаверса, ҳарорат пасайиб, ёғин-сочинли кунлар ҳам бошланиб қолди. Шу боис жумладан, Олмалиқ шаҳрида ижтимоий соҳа муассасаларини мавсумда барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари якунланмоқда.

Мавсумга тайёргарликни бошлашдан аввал қуриш-таъмирлаш ишлари кўлами ўрганилиб, режа тузиб олинди. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 17 та боғча, 24 та мактаб, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, битта мусиқа ва санъат мактаби, битта "Баркамол авлод" маркази, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигига қарашли 6 та касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей, битта институт филиали, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 8 та даволаш муассасаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати тасарруфидаги 15 та боғчани куз-қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ таъмирлаш-созлаш ишлари режаси ишлаб чиқилди.

Давлат дастурига киритилган объектлар учун ажратилган 1 миллиард 377 миллион сўм маблағнинг 937 миллион сўми 3 ва 11-мактабларни мукаммал таъмирлашга йўналтирилди. 440 миллион сўми ҳисобига эса "Баркамол авлод" маркази реконструкция қилинмоқда.

8-мусиқа мактабининг реконструкциясига 1 миллиард 132,4 миллион сўм сарфланди. 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурилишига 780 миллион сўм йўналтириш режалаштирилган. Шу икки мақсад учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 1 миллиард 912,4 миллион сўм маблағ ажратди.



СУРАТДА: Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ шаҳар филиали реконструкцияси билан шуғулланаётган "Элемент қурилиш" шўъба корхонаси иш юритувчиси Эшпўлат Норқулов (ўртада) ишчилар билан.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Маҳаллий бюджетнинг 63 миллион сўм маблағи ҳисобидан 10- ва 23-боғчаларнинг томига юмшоқ қоплама ётқизилди. Шунингдек, маҳаллий бюджетнинг эркин қолдиқ маблағидан 5 та боғчанинг иситиш тизимини таъмирлашга 21,5 миллион сўм сарфланди. 10 миллион сўмга 7-боғчанинг том қисми юмшоқ тўшама билан қопланди.

Маҳаллий корхоналар ҳар йилги анъанага содиқ қолиб, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа ижтимоий-маданий биноларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш чора-тадбирлари учун 209 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратди. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўз тасарруфидаги 15 та боғча, халқ таълимига қарашли 14 та мактабни таъмирлашга жами 163,5 миллион сўм сарфлади. Шунингдек, болалар шифохонасининг томи ва асосий муҳандислик тизимини таъмирлашга 80 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бошқа корхоналарнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобига 12 та боғча ва 11 та мактаб жорий таъмирланди.

Тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ажратган 44,3 миллион сўм кўп тармоқли марказий шифохонанинг иссиқ ва совуқ сув таъминоти тизимини мукаммал таъмирлашга йўналтирилди.

Навоий кон-металлургия комбинати Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ шаҳар филиалини 2 миллиард 300 миллион сўмга мукаммал таъмирлаб, реконструкция қилиб берди. Бундан ташқари, янги спорт зали қурилишига ҳам 837,4 миллион сўм маблағ ажратди.

**ОГОҲЛИК**

# ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Кейинги вақтларда аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш мақсадида мутахассислар ОАВда хазонларнинг тутуни инсонлар саломатлигига жиддий хавф солиши ҳақида кўп гапириб, ёзилаётган бўлсада, тўпланиб ётган барглар ёқиб юборилаётганининг гувоҳи бўляпмиз.**

Айрим кимсаларнинг лоқайдлиги натижасида вилоятимизда ўтган 10 ой мобайнида 1416 та ёнғин содир бўлди. Шулардан 888 таси аҳоли тураржойларида, 54 таси халқ хўжалиги корхоналарида, 474 таси турли ҳудудларда рўй берди. Таҳлиллардан аён бўлишича, ёнғинларнинг аксарияти электр жиҳозларининг носозлиги ва улардан фойдаланилаётганида маълум қоидаларга амал қилмаслик, болалар қаровсиз қолдирилиши натижасида юзага келган.

Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида таълим муассасалари, қишлоқ фуқаролар йиғинларида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Мақсад – аҳолининг эътиборсизлигига барҳам бериш. Зеро, фуқаролар ўзларини ўзлари асрашмас экан, бу офатни йўқ қилиб бўлмайди. Шунинг учун маҳалла оқсоқоллари, ташкилот, муассаса, корхона раҳбарлари ва барча фуқароларни жалб этган ҳолда биргаликда ҳаракат қилиш зарур. Тураржойларимизда юзага келиши мумкин бўлган ёнғиннинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ.

**Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ,**
**вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.**

**ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ**

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар қишлоқлар кўркига-кўрк қўшмоқда.**

# УЙЛАР ВАҚТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ

Ўрта Чирчиқ туманида 2010 йилда 20 та, ўтган йили 46 та якка тартибдаги тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилган. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ барпо этилган ушбу уйларда барча қулайликлар яратилган.

– Янги уйга кўчиб ўтганимизга бир йилча бўлди, – дейди Баҳодир Мелиев. – Замонавий шарт-шароитларга эга уйда истиқомат қилишнинг гашти бўлакча бўларкан. Албатта, бундай кенг ва шинам уйда яшаш одамнинг кайфияту руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Туманда замонавий меъморий ечим асосида, сифатли қурилиш материалларидан барпо этилаётган замонавий ва мустаҳкам уй-жойларга аҳоли ўртасида қизиқиш ва талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, жорий йилда бу ерда тўқсонта тураржой бунёд этилмоқда. Унинг ўн бештаси уч, элликтаси тўрт ва йигирма бештаси беш хонали уйлардир.

"Қумовул" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Қорақалпоқ" маҳалласи ҳудудида қад ростлаётган мазкур уй-жойларни тўққизта ташкилот қурмоқда.

– Ишчиларимиз бизга ишониб топширилган ўнта уйни белгиланган вақтда битириш учун астойдил меҳнат қилмоқда, – дейди "Бўка агро қурилиш" корхонаси раҳбари Собир Бояров. – Айни кунларда плита ётқизиш ва том ёпиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Туманда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой бунёд этаётган қурилиш ташкилотларига барча турдаги қурилиш материаллари нисбатан арзон нархларда етказиб берилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми вилоятда ишлаб чиқарилмоқда. Мисол учун, цемент "Оҳангарон-цемент"дан, пишиқ ғишт Ўрта Чирчиқдаги "Тўйтепа ғишт" ва "Юнусжон бизнес" каби корхоналардан олинмоқда. Уларнинг қурилиш объектларига яқинлиги ташиш билан боғлиқ харажатларни анча камайтириш имконини бераётир.

Айни кунда янги қурилаётган уй-жойларнинг ғиштини териш, ички ва ташқи сувоқ, плита ўрнатиш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, 12 уйда эшик-ром ўрнатиш, 14 тасида электр энергия ўтказиш, қолган уйларнинг томини ёпиш ишлари давом этмоқда.

– Қурилиш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз, – дейди Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги масъул ходими Асқар Турдиқулов. – Ҳар бир уйга масъул раҳбарлар бириктирилган. Ҳозирги кунда қурилиш объектида 360 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда.

**ЎзА.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

**– Айтинг-чи, капсулалаш технологияси фақат чигит учун қўлланилмоқдами?**

– Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Республика қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи уруғчилик ва уруғшунослик станцияси мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган тажриба синовлари шуни кўрсатдики, бу технологиядан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш мумкин. Сабзавот ва полиз экинлари уруғларининг кўкариб чиқиш энергияси ўртача 10-20 фоиз, илдиз чириши мумкинлигини камайтирганда эса 95 фоизга ошиши аниқланди. Ҳосилдорлик гектаридан 4-7 тоннага кўпаяди. Яна бир афзаллик – бу кўчатсиз экиш услуби бўлиб, у меҳнат харажатлари ва маҳсулот таннархини қарийб 30 фоизга камайтириш имконини беради. Яна шуни қайд этиш керакки, "ЎзХИТАН" препарати бошқа давлатларда ишлаб чиқарилаётган дорилаш воситаларидан фарқли равишда заҳарли эмас. Бу йил институтимиз олимлари помидор, булғор қалампири ва бақлажон уруғларига ишлов бериш учун "ЎзХИТАН"ни қўллашга гувоҳнома олди. Айни пайтда улар сифатли дорилагич, самарали бактерицид, фунгицид ва инсектицид воситаларини ўзида мужассам этган комплекс препаратни яратиш устида ишламоқда. Бу технологияни бошоқли дон ва озуқа экинларини етиштиришда ҳам жорий этиш мумкин. Соҳанинг қатор институтлари билан биргаликда бу йўналишда тажрибалар ўтказдик ва улар яхши натижалар берди.

Айни пайтгача фақат қобиқсиз уруғлик капсулаланар эди. Негаки, полимер текис ерда тез униб чиқади. Ўтган йили ушбу технологияни такомиллаштириб, тук билан қопланган уруғларни ҳам капсулалашни бошладик. Тажриба Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги сара чигит навлари етиштириладиган "Тоштемир ота" фермер хўжалигида ўтказилди ва яхши самара берди. Бошқа афзалликлардан ташқари, қобиқсиз чигитга "ЎзХИТАН" билан ишлов берилиши туфайли бир гектар экин майдони ҳисобига чигит сарфи 40-50 фоиз камайди.

Чигитни капсулалаш технологияси Ўзбекистон пахта заводларида кенг жорий этилаётир. Ярим йил аввал ўтказилган навбатдаги Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида 20 тонна "ЎзХИТАН" препаратини етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаган эдик. Яқинда пойтахтимизда якунланган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада институтимиз "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг мамлакатимиз барча вилоятларида жойлашган пахта тозалаш заводлари билан умумий қиймати қарийб 900 миллион сўмлик 200 тонна препарат етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузди. Бу корхоналар ва фермерларнинг капсулалаш технологиясидан фойдаланиш борасида қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Мазкур препарат самараси эса амалиётда тасдиқланди.

**– Маълумки, дефолиацияни сифатли ўтказиш етиштирилган пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва тола хусусиятларини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади. Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Институтимиз олимларининг тадқиқотлари, жумладан, табиий ва синтетик полимерларни синтезлаш ҳамда модификация қилиш жараёнларини ўрганиш, биологик фаол полимер аралашмаларни яратишга қаратилган. Юмшоқ таъсир кўрсатадиган ва юқори самарали "Полидеф" дефолианти шу тариқа ишлаб чиқилди. Мазкур технологиянинг аҳамияти шундан иборатки, атроф-муҳит ва инсонга зарар етказмайдиган полимер – карбоксиметилцеллюлозага кам миқдорда барглар тўкилишига таъсир кўрсатадиган хлорат магний қўшилади. Шу тариқа олинадиган препарат пахта чаноғининг тўлиқ очилишини тезлаштиради ва ҳосилдорликни оширади. "Полидеф" таннархи бошқа дефолиантларга нисбатан анча кам ва у импорт ўрнини босадиган маҳсулот ҳисобланади. Ушбу препарат "Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамиятида Полимерлар кимёси ва физикаси институти технологияси бўйича корхона ҳамда институт ўртасида тузилган лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқарилмоқда. Фермерлар учун уни қўллаш йўриқномаси ҳам тайёрланди.

Дарвоқе, бугун дунёдаги пахта етиштирадиган ҳамма давлатларда ҳам чигитни дорилаш воситалари ва дефолиантлар ишлаб чиқарилаётгани йўқ. Шу сабабли катта иқтисодий ва экологик афзалликларга эга "ЎзХИТАН" ва "Полидеф" препаратларини мамлакатимиз экспорт қилиши ҳам мумкин.

Бу институтимиз мутахассислари томонидан мамлакатимизнинг жадал ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун мўлжалланган ишланмаларининг айримлари, холос. Айни пайтгача чиқинди ҳисобланган оксидланган линтдан экологик зарарсиз органоминерал ўғитлар олиш технологияси, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирадиган воситалар шулар жумласидандир. Пахта целлюлозасидан фойдаланиш борасида ҳам кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАЗОННИ ЁҚИШ ЗАРАР

**Юртимиз кўча ва боғларида куз фаслининг хазонрезги даври ҳукмрон. Кўпчилик фуқароларимиз дарахт барглари, қуриб қолган ўт-ўланларни супуриб, йиғиб қўйишади. Аммо уларни белгиланган жойларга чиқариб ташлаш кўп ҳолларда кечикиб кетади.**

Кўп миқдорда тўпланиб қолган хазонлар эса ёнғин содир бўлиш хавфини оширади, чунки қуриган барглар аланга олиши учун битта чўғнинг ўзи кифоя. Айримлар сигарета қолдиғини ўчирмай хазонлар устига ташлаб кетишади, бу эса оловни келтириб чиқаради.

Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, атрофимиздагилар, айниқса, болаларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга ундашимиз лозим. Ҳар бир ота-она, шунингдек, ўқув муассасаларининг раҳбар ва ходимлари тарғибот ишлари олиб боришлари катта аҳамиятга эга. Зеро, болаларимиз олов билан ўйнашларига йўл қўймаслик баробарида биз ёнғиннинг олдини оламиз ва ёш авлоднинг саломатлигини сақлаймиз.

**З. ҒАФУРОВ,**
**12-ХЁХО кичик инспектори.**

ФУТБОЛ

# ТЕРМА ЖАМОАМИЗ – ГУРУҲ ПЕШҚАДАМИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун давом этаётган Осиё саралаш мусобақасининг тўртинчи босқичида сафарда Эрон футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.**



Якуний саралаш босқичи футболчиларимиз учун омадсиз бошланиб, дастлабки уч учрашувда атиги икки очко жамғарилган эди. Терма жамоамиз навбатдаги ўйинларда мағлубиятга учраса, жаҳон чемпионатига чиқиш имкониятини қўлдан бой берарди. Миржалол Қосимов шогирдлари ана шундай муҳим паллада мустаҳкам ирода ва кучли характерни намоён этиб, кетма-кет икки ўйинда муваффақият қозонди.

16 октябрь куни сафарда Қатар миллий терма жамоаси устидан қозонилган ғалабадан сўнг гуруҳда иккинчи ўринга бораётган Эрон миллий терма жамоаси асосий рақобатчимиз бўлиб қолди. Шу боис Теҳронда ўтказилган баҳс жаҳон чемпионати йўлидаги энг муҳим ўйинлардан бирига айланди.

Буни яхши билган ҳар икки жамоа вакиллари ўйинни эҳтиёткорлик билан бошлади. Биринчи бўлимда дарвозалар дахлсиз қолди. Ўйиннинг иккинчи ярмида ҳамюртларимиз ҳужумкорликни оширди. 71-дақиқада Сервер Жепаров оширган тўпни моҳир ҳужумчимиз Улуғбек Бақоев рақиб дарвозасига тўғри йўллади. Ўз муҳлислари кўз ўнгида енгилишни истамаган эронликлар ҳужумга зўр берган бўлса-да, терма жамоамизнинг мустаҳкам ҳимоясини ёриб ўтолмади – 0:1.

Бу ҳисоб Тошкентда қайд этилган аламли мағлубиятимизга муносиб жавоб бўлиши билан бирга терма жамоамизга саккиз очко билан гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиш имконини берди.

"А" гуруҳидаги яна бир учрашувда Қатар футболчилари ўз майдонида Ливан вакилларини 1:0 ҳисобида енгди. Натижада гуруҳда янада чигал вазият юзага келди. Асосий таъқибчиларимиз бўлган бир йўла уч – Жанубий Корея, Эрон ва Қатар терма жамоалари ҳисобида еттитадан очко бор. Ливанлик футболчилар тўрт очко билан сўнгги поғонани эгаллаб турибди.

Мусобақа қоидасига кўра, гуруҳда дастлабки икки поғонани эгаллаган терма жамоалар жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри йўлланма олади, учинчи ўрин соҳиби плей-офф баҳсларида курашни давом эттиради. Яъни, гуруҳдаги барча жамоаларда жаҳон чемпионатига чиқиш имконияти мавжуд. Улар ҳам футбол оламининг энг нуфузли мусобақасига бориш учун охиргача курашиши шубҳасиз.

Саралаш турнирининг қолган учрашувлари 2013 йили ўтказилади. 26 март куни Ливан, 18 июнь куни Қатар вакиллари Тошкентга келса, яна бир ўйин 11 июнь куни Жанубий Кореяда бўлиб ўтади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

BOLALIK BOG`I

# BIR PIYOLA CHOY USTIDA



*Qochib borar dillardan qayg`u,*
*Ko`ngillarni mast etar kulgu,*
*Hatto bolga aylanar og`u,*
*Bir piyola choy ustida.*

*"Munojot"ni etadilar yod,*
*Ohangida o`zgacha bayot,*
*Qizg`in bahsdek jonlanar hayot,*
*Bir piyola choy ustida.*

*Ko`kka bo`ylar o`zbek degan bo`y,*
*Baxt qayda deb surmaydilar o`y,*
*To`y yaxshi deb boshlab qo`yar to`y,*
*Bir piyola choy ustida.*

*Nuroniylar borar yosharib,*
*G`uborlari kun sayin arib,*
*Kelar shodlik o`zi axtarib,*
*Bir piyola choy ustida.*

## ORZU

*She'riyat — millatning yuz-ko`zi derlar,*
*Shoir tili qalam va so`zi derlar,*
*Bularni tushunmas yuragi kirlar,*
*Sizga o`xshab yuray Muhammad Yusuf.*

*Qalbingizda o`ynab yotgan edi ishq,*
*Bo`ldingiz gulga ham o`zbekcha oshiq,*
*Samimiy jaydari yaratib qo`shiq,*
*Sizga o`xshab yuray Muhammad Yusuf.*

*Hayot zolim beshafqat buncha,*
*Sizni bog`bon desak, biz edik g`uncha,*
*Shekspir, Esenin kabi bo`lguncha,*
*Sizga o`xshab yuray Muhammad Yusuf.*

## BAHOR

*Dilkashim, dardkashim, yomg`irim,*
*Dur ashkim, nur ashkim, yomg`irim,*
*Bezovta, betoqat, xun dilim,*
*Bahorni qo`msayman kuz kunlarida.*

*Boychechaklar ko`nglimning muhri,*
*Tonglarning shuuri, bog`larning sehri,*
*Qirlarga chorlaydi ularning mehri,*
*Bahorni qo`msayman kuz kunlarida.*

*Bo`lsa hamki olam rang-barang,*
*Ranggi qizg`ish, sarg`ish, tillorang,*
*Oyog`imni bosarman arang,*
*Bahorni qo`msayman kuz kunlarida.*

*Mendayin hech o`kinma yomg`ir,*
*Ko`nglim osmon, yuragim dog`dir,*
*Tushun yomg`ir, menga ham og`ir,*
*Bahorni qo`msayman kuz kunlarida.*

## VATAN

*Nurga chayib olar olamni quyosh,*
*Yuzimga bosadi qaynoq kaftini,*
*Uyqudan ko`z ochib ko`tarsam men bosh,*
*Zamin uzra yoyar issiq taftini.*

*Soylardagi suvlar oqar shildirab,*
*Ovozi o`xshaydi kuylarcha ajib,*
*Osmoni musaffo turar nur tarab,*
*Bunchalar go`zaldir, bunchalar nashib.*

*Ta'rif-tavsifingga etmas bir doston,*
*Hatto g`unchang erur ajib guliston,*
*Qalbda mehring jo`shib har dam atayman,*
*Bu mening Vatanim, hur O`zbekiston.*

**Asliddin SABRIDDINOV,**
**Parkent tumanidagi 5-maktab o`quvchisi.**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

**"Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига биноан "Ўзбекфильм" киностудиясида "Сой қўшиғи" номли тўлиқ метражли бадиий фильм суратга олинди.**

Ушбу фильм Мустаҳкам оила йилига бағишланган бўлиб, Фахриддин Шамсиматов режиссёрлигида, сценарий муаллифлари Игоръ Блидарёв ва Шароф Бошбеков таҳрири остида суратга олинди. Картина бугунги кунда фарзандларимизнинг компьютер ўйинларига қизиқиши ортиб бораётгани баробарида баъзи ҳолларда бу ўйинларнинг болалар руҳиятига салбий, хавфли таъсирлари тўғрисидаги воқеа-ҳодисалар тасвирланган.

Фильмда бош ролларни Абдуғофур Исаханов, Баҳодир Нишонов, Хуршид Тўхтаев, Муштарий Алимжонова, Юлдуз Ҳамидова, Нигора Каримбоева ва бошқалар ижро этишган.

**"Туркистон-пресс".**

# XXI аср ва дунё

## ТЕХНИК НОСОЗ АТОМ РЕАКТОРЛАРИ

**Жанубий Кореянинг Йонгван АЭСидаги бир неча атом реакторлари фаолияти вақтинча тўхтатилди. Қалбаки ҳужжатлар орқали атом реакторлари савдоси билан шуғулланувчи компания маҳсулотида кўплаб техник носозликлар аниқланган.**



Текширувлар натижаси шуни кўрсатадики, айни дамда номи сир тутилаётган бу компаниянинг атом реакторлари хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шу боис мазкур техник носоз реакторлар 2013 йилгача мутахассислар томонидан текширувдан ўтказилади.

Жанубий Корея иқтисодиёт вазири Хонг Сук Вунинг таъкидлашича, ушбу атом реакторлари фаолиятининг тўхтатилиши жорий йилда мамлакатда электр энергияси тақчиллигини юзага келтиради. Мамлакатдаги "Korea Hydro and Nuclear Power" давлат энергетика компанияси ноқонуний ҳужжатлар билан маҳсулот ишлаб чиқарган компания фаолиятини текширувдан ўтказади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мамлакатда умумий ҳажмда йигирма учта атом реакторлари ишламоқда.

НИГОҲ

# ҚИРҒИЗИСТОНЧА ДЕМОКРАТИЯ

**Қирғизистондаги бугунги "демократия"ни экстремистлар, уюшган жиноятчи гуруҳлар, шунингдек, ҳукумат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг сотилган ходимлари белгилашади. Экспертларнинг маълумотларига кўра, Қирғизистон аҳолисининг 35 фоиздан кўпроғи диний экстремистик ташкилотларга аъзо. Жанубий вилоятларда эса, 50 фоиздан ҳам юқори.**



Бугунги кунда "Ваххобизм", "Ҳизб ут-Таҳрир", "Сулаймония", "Нурчилар", "Таблиғи жамоат" каби экстремист ташкилотлар тарафдорлари мутлақо ошкора тарзда фаолият юритмоқдалар. Диний экстремизмга қарши кураш бўйича аниқ режанинг йўқлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ўз вазифаларига лаёқатсизлиги, ҳокимият юқори табақасида коррупциянинг кучлилиги шунга олиб келдики, экстремистчилар сафи қирғиз ва ўзбек миллатларига мансуб ёшлар ҳисобига кенгайиб, тўлиб бормоқда.

Тоғли Арслонбоб қишлоғида "Ҳизб ут-Таҳрир" тарафдорлари мустаҳкам уя қуришган. Муллажоновлар оиласи ҳамма ишга бош-қош. Дарвоқе, ташкилот етакчиси Нормуҳаммад Муллажонов қамоқ муддатини ўтаяпти. Аммо, ёғли ўрин бўш қолмайди. Нормуҳаммаднинг укалари Улуғбек, Абдумалик ва Кенжа акалари ишини муваффақиятли давом эттириб, маҳаллий аҳоли ўртасида оқим ғояларини кенг тарқатмоқда.

Ака-ука Муллажоновлардан бири – Абдушукр ноқонуний диний фаолият юритгани учун қидирувда. Ҳозир у оиласи билан Туркияда ўрнашиб олган. Аммо, у акаукаларини ҳам унутмаяпти, мунтазам моддий ёрдам бериб турибди. Кенжа Муллажонов Бозор-Коргон автовокзалида жойлашган қандолатчилик цехининг эгаси. Бу ерда фақат унга садоқатли бўлган одамлар ишлайди. Улар "Ҳизб ут-Таҳрир" ячейкаси аъзолари. Шуниси қизиқки, ака-ука Муллажоновлар олиб бораётган кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот "самара"си ўлароқ Арслонбоб қишлоғи аҳолисининг асосий қисми "Ҳизб ут-Таҳрир" аъзоси. Энди ака-ука Муллажоновлар теварак-атрофдаги қишлоқларга ҳам панжа чўзмоқдалар.

Яқин Шарқ мамлакатларидан бўлган диний миссионерлар Қирғизистон ёшларини ҳам эътибордан четда қолдиришаётгани йўқ. Ўш давлат университети илоҳиёт факультетининг Миср Араб Республикаси фуқаролари бўлган ўқитувчилари талабаларни Қоҳирадаги "Ал-Азхар" диний университетга бепул ўқишга жўнатиш учун улар ўртасида ташвиқот олиб бормоқдалар. Миср фуқароси Иброҳим Саноний бу йўлда, айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. У яқинда Ўш вилоятининг Новкент туманида бўлиб, маҳаллий имомлар билан учрашди. У илоҳиёт фанига мойиллиги бор ёшларни тавсия этиш таклифини киритди. Бу ёшлар араб тилини ўрганганларидан сўнг университетга ўқишга юборилади. Ҳамма сарф-харажатларни университет қошидаги "Ал-Баптин" хайрия фонди ўз зиммасига олади. Иброҳим Саноний ушбу акцияни амалга ошириш масъулиятини маҳаллий "Таштак" масжиди имоми Маҳамаджақип Осмонов зиммасига юклади. Бу имом ҳам Қоҳира университетининг тайёрлов курсини битирган.

Қоҳирада одамларни нималарга ўқитишлари – дин асосларигами ёки араб инқилобини экспорт қилиш асосларигами – номаълум.

Энг ёмони шуки, мамлакат раҳбарлари Шарқ мамлакатларидан келган меҳмонларнинг бундай "ўйин"ларига эътибор беришмаяпти.

**Толон КИШТОБОЕВ.**
**www.centrasia.ru.**

## ҚУВВАТЛОВЧИ ПОЙАБЗАЛ

**АҚШлик кашфиётчилар ҳар қандай батареяларни қувватловчи ускуна ўрнатилган пойабзал ятатди. Бундай пойабзал кийган киши ҳаракатланаётган вақтда ҳам мобиль телефон ёки планшет, ноутбукларни осонгина қувват олдириши мумкин.**

Маълумотларга кўра, энергия ҳосил қилувчи суюқлик қопланган ушбу пойабзал ерга қадам қўйилган заҳоти тахминан йигирма ватт электр энергияси ишлаб чиқариш хусусиятига эга.



Мутахассисларнинг айтишича, мазкур янги пойабзал кишига ҳеч қандай хавф ва ноқулайлик туғдирмайди. Баҳоси арзон бўлган бундай пойабзалларни АҚШнинг исталган дўконларидан харид қилиш мумкин.

**ЎзА ва интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ




Одилбек бугун ҳам уйига тун қоронғусида гандираклаб кириб келди. Ичкари хонада турмуш ўртоғи Дилдора ширингина қизчасини бағрига босганича ухлаб ётибди. Мастликда одам нималарга қўл урмайди дейсиз? Ҳатто, севимли умр йўлдоши ҳам, ширин-дан-шакар қизчаси ҳам алвастидек кўриниб кетди. У яна доимги одатини қилди. Хотини ва қизчаси устидаги кўрпани юлқиб юборди. Қонга тўлган кўзларини чақчайтирганча бор овози билан ўшқирди.

– Ҳой манжалақи, уйни бўшат деб, неча марта огоҳлантиришим керак? Ахир, мен сени ёқтирмайман... Ҳа, эшитяпсанми, ёқтирмайман... Сени кўрсам жиним қўзийди. Қани тур, лаънати, тур деяпман...

Қизча бақир-чақирдан уйғониб кетди. Аясини ҳимоя қилиш илинжида дадасининг қўлидан тутди:

– Жон дадажон, аямни урманг...

– Э-э, бор, нари тур, сен исқиртни ҳам кўргани кўзим йўқ. Қачон қарамай, ифлос аянгни ҳимоя қилганинг қилган.

Одилбек қизини итариб юборди. Диёранинг пешонаси стол қиррасига тегиб, оғриқдан чириллаб йиғлай бошлади. Пешонасидан оқаётган қонни кўриб қўрқиб кетган Дилдора ҳушсиз ётган қизчасини даст кўтариб, йиғлаганча, ҳовлига отилди. Рўмолча топиб, қизининг пешонасидан оқаётган қонни тўхтатиш учун маҳкам сиқиб боғлади.

У қизалоғини бағрига босиб, ҳиқиллаб йиғлаганича қишлоқ шифохонасига борди.

Бахтига тунги врач шу ерда экан. У Диёранинг жароҳатини кўриб бош чайқади, ётиғи билан тушунтирди:

– Синглим, жароҳати жиддий. Уни марказга олиб бориш керак. Ёрилган жойини тиктириб, бир неча кун даволатмасангиз бўлмайди. Акс ҳолда кейинчалик асорати кучайиши мумкин.

– Опа, жон опажон, ёрдам беринг, – Дилдора юм-юм йиғлаганча шифокорга ёлворди. – Пешонамда шу ёлғизгина қизим. У касалманд бўлиб қолса...

– Ташқарида "Тез ёрдам" машинаси турибди, марказий шифохонага етказиб қўяди.

Диёра марказий шифохонада тонгга яқин ўзига келди.

Дилдора қувонганидан қизалоғининг пешонасини силади. Юзларидан ўпти.

Одилбек пешинга яқин уйғонди. Бош оғриғидан дод деб юборай деди. Гандираклаб бориб кўзгуда ўз аксини кўриб, чўчиб тушди. Аввалги Одилбекка сира ўхшамасди. Сочларига оқ оралаган, юзлари қорайиб бир бурда бўлиб қолганди. Чайқала-чайқала молхонага борди. Бурчакдаги қовоққа қўл суқди. Целлофан халтага ўралган нарсаларни олди. Билагини очиб, шприцда ўзига дори юборди. Ҳозиргина афти-ангори бужмайган йигитчанинг юзига табассум югурди. Баданлари яйраб, ўзини қушдек ҳис эта бошлади.

... Бомдод намозидан уйига қайтган Содиқ ота келини ва набираси хабарини эшитди. Кенжа ўғли ва келини билан шошиб шифохонага боришди. Бу пайтда Диёрани палатага кўчиришганди. Дилдора қайнотасини кўриб, ўзини тутиб туролмади. Юраги бўшашиб кетганидан ҳамма гапни тўкиб солди.

– Шунақа денг, келин? Сиздан ҳам пича хатолик ўтибди-да. Ўғлим ўзгариб қолганлиги ҳақида аввалроқ менга айтмабсиз-да. Ҳай, майли, бўлар иш бўлибди. Ғишт қолипдан кўчган бўлса-да, бирор чораси топилар. Келин кўп ҳам сиқилиб, ич-этингизни еманг. Набирам тўлиқ даволаниб, оёққа тургунча ёнидан жилманг. Қолганини эса менга қўйиб беринг.

Содиқ ота фарзанд тарбиясида юмшоқлик қилгани учун ўзини айбдор деб билди. Мана фарзандларидан бири гиёҳванд бўлиб ўтирибди.

Ниҳоят, ўғлини етаклаб, шифокор дўсти ҳузурига борди, унга ҳақиқатни айтди. Шифокор Содиқ аканинг кўнглини кўтарди:

– Шифокор учун беморнинг бегонаси бўлмайди. Бунинг устига қадрдон дўст бўлсак. Сенга ёрдам бермасам мен ким бўлдим? Одилбекни яхшилаб текширувдан ўтказиб даволаймиз, ҳаммаси яхши бўлади.

Оғуга қул бўлган йигит олти ой шифохонада даволанди. Энди у гиёҳвандлик исканжасидан буткул халос бўлди. Бугун тавбасига таянган Одилбекка жавоб беришди.

Шифохона ҳовлисида уни яқинлари қарши олишди. Отаси, унинг ёнида Диёранинг қўлидан ушлаб олган Дилдора кулиб турарди. Чеҳраси ёришиб кетган Одилбекнинг нафаси енгиллашди. Соғинч ва дийдор унга қанот бағишлади. У қушдек учиб келиб шириңгина қизалоғини бағрига босди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Паркент тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 21.09.2012 й. № 2-104/12/6028-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., "Ваз-21061" русумли, д/р. 01 W 937 FA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 222 505 сўм. Тошкент вилояти, Паркент туман ИИБда сақланмоқда. 2. 10.09.2012 й. № 01-194/5930-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч., "Луаз 969М" русумли, д/р. 11 N 3737 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 072 330 сўм. Паркент тумани ИИЙХХБга қарашли ХАТП жарима майдончасида сақланмоқда. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 3. 02.11.2012 й. № 11255-сонли ижро ҳужжатига асосан 2004 й. и/ч., "ГБА-ДАМАС-СПГ" русумли, д/р. 10 L 920 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 452 000 сўм. 4. 02.11.2012 й. № 11254-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и/ч., "ГБА-ДАМАС-СПГ" русумли, д/р. 10 M 867 EA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 488 000 сўм. 5. 02.11.2012 й. № 11256-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., "ГБА-ДАМАС-СПГ" русумли, д/р. 10 V 932 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 526 000 сўм. "Бекобод-савдо" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 17 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 2 январь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Гувоҳнома № 004593.

**Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг навбатдан ташқари 2012 йил 12 октябрда ўтказилган конференцияси қарорига асосан "Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Тошкент вилоят филиали" ва унинг таркибидаги бошқа тузилмалар тугатилади.**

**Даъво аризалари бир ой давомида қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77-уй. Тел.: (8-371) 255-29-09.**

Утерянную справку № 1745 от 20.10.2005 года, выданную "Тошкент шаҳар ер тузиш рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" на имя Мухамедовой Нигоры Баходировны на магазин № 245 на "Чорсу буюм бозори",
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

ООО "GLMAX-GROUP", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента № 003946-09 от 17.08.2012г. (ИНН 306470619, ОКПО 23127520) в соответствии с решением учредителя № 8 от 16.11.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22. Тел.: 241-12-09.

ООО "ARDI PLAST INDUSTRI" (ИНН 301221301) Яккасарайского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 69 120 000 сум до 14 120 000 сум. Тел.: 694-55-60.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2011 йилда Эсанов Зайниддин Сайфи ўғли номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ASIL DUXOBA", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Олмазарского района г. Ташкента за № 003667, реестровый № 004115-05 от 03.03.2011 года (ИНН 301523843, ОКПО 23207778), расположенное по адресу: ул. У. Ширин, д 116, на основании протокола учредителей № 3 от 15.11.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления по тел.: 566-68-09.

Частное предприятие "SILVER PAPER", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за № 003521, реестровый № 004917-09 от 17.02.2011 года (ИНН 301849745, ОКПО 23518828), расположенное по адресу: ул. Кичик халқа йўли, д 25 на основании решения учредителя № 1 от 15.11.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления по тел.: 566-68-09.

Утерянный гос. ордер № 10-02/8758 от 14.02.1993г. права собственности на квартиру на имя Йўлдошева Маҳмуда,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1142. Адади 6847. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345